



ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ ВА МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН

Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида "2015-2019 йилларда иқтисодий янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзуда республика конференция-семинари бўлиб ўтди

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш механизмлари муҳофаза этилди.

Конференция-семинарда вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи ва суд органлари вакиллари, барча вилоятлардан келган тадбиркорлар иштирок этди.

Анжуманда 2015-2019 йилларда иқтисодий янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурига мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар янги босқичнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги қонунчилик нормаларини амалда сўзаси қўллашни таъминлаш борасидаги вазифалари, йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш бўйича тадбиркорлик субъектлари билан ишни самарали ташкил этишга доир аниқ механизмларини ишлаб чиқиш ва бошқа масалалар батафсил муҳофаза қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Жаҳон бозорида беқарорлик ҳамон сақланиб турган бугунги шароитда Ўзбекистонда миллий иқтисодий таъминнинг барча соҳалари изчил ривожланаётгани, кенг қўламли таркибий ўзгаришлар давом этаётгани, бозор механизмлари мустаҳкамланиб, экспорт салоҳияти юксалаётгани ва хорижий ин-

вестицияларни жалб этиш ҳажми ортиб бораётгани таъкидланди. Буларнинг барчаси ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларида ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ўз ифодасини топмоқда. Сўнгги ўн бир йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиш кўрсаткичлари 8 фоиздан ошмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўпроқ эркинлик бериш, ривожлантириш йўлидаги ортинча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга қаратилган узокқи кўлаб юритилаётган сиёсат бу борадаги муваффақиятларнинг муҳим омилига айланди. Бунинг учун давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир изчил чоралар қўрилмоқда, ҳужжатли субъектларига нисбатан қўлланиладиган санкциялар тизими тубдан қайта қўриб чиқилди, хусусий тадбиркорларнинг ресурслар ва маҳсулотларини сотиш бозорларидан кенг фойдаланиши таъминланди. Иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини изчил такомиллаштириш орқали тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди ва бу мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгаридан сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар янги мазмун-моҳият касб этди. Хусусий мулк ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси мустаҳкамланди. Сўнгги йил-



ларда Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортик қонун, жумладан, янги тахрирдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиби-таомиллари тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи ҳам қонуний мустаҳкамланди. Энди қонунчиликда бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноангиликлар тадбиркорлик субъектлари фойдасига ҳал қилинади. Бундан ташқари, сўнгги 4 йилда 167 руҳсат бериш тартиби-таомили, лицензия берилмайдиган 19 тур-

даги фаолият, шунингдек, 65 турдаги статистика ва 6 турдаги солиқ ҳисоботи бекор қилинди, руҳсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш учун йиғимлар ҳажми 2 баробар камайтирилди.

Бунинг самарасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиз ўрнига бугунги кунда 56 фоизга етди. Аини пайтда банд бўлган аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу соҳада меҳнат қилаётди. Кенг қўламли ислохотлар жараёнида ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилиб, улар миллий иқтисодий таъминнинг ривожига катта ҳисса қўшмоқда, минглаб янги иш ўринлари ташкил этишга қўмақлашмоқда.

(Давоми 2-бетда)

"ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР ЧУҚУР ҲАМ ИШБИЛАРМОНЛАР ТАРҚИЙЁТ ҲИСОБЛАНАДИ"

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига билдирилган табрикларнинг келиши давом этмоқда. Қуйида Германия Федератив Республикаси ишбилармон ва илмий-академик доиралари вакиллари томонидан йўлланган самимий қутловлар ўз ифодасини топган.

Ян-Хендрик Мор, Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, "CLAAS" компанияси бошқарувининг аъзоси:

— Мен ҳозирги пайтда ГФР ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари барча йўналишда, шу жумладан, иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганидан жуда мамнунман. Жорий йилда Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашининг тузилгани ўзаро манфаатли алоқаларни янада чуқурлаштиришга ҳар икки мамлакат ишбилармон доиралари бирдек қизиқиш билдираётганидан далолат беради.

Компаниямиз республикада кўп йиллардан бери фаол иш олиб бормоқда. Тошкентда самарали фаолият қўсатётган "UzCLAAS Agro" қўшма корхонамиз ўзбек шериклар билан ўзаро ҳамкорликда комбайн, трактор ва бошқа кишлоқ ҳўжалиги техникаларини ишлаб чиқармоқда.

Биз яқин йиллар ичида ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш ниятдамыз. Хусусан, республикада тракторлар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз. "UzCLAAS Agro" қўшма корхонасида ишлаб чиқариладиган техникалар экспортга чиқарилишига умид қиламыз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини қутлуг сана – мамлакат мустақиллигининг 24 йиллиги билан чин дилдан қутлар эканман, республикангиз аҳолисига тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

Удо Фелькер, "Дўстлик" ордени соҳиби, Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши аъзоси, "CLAAS" компаниясининг катта маслаҳатчиси:

— 2015 йил мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сарможий соҳалардаги ҳамкорликнинг фойдалашуви билан бошланди. Бугунги кунда компаниямиз илгор немис технологиялари ва ускуналари билан Ўзбекистон иқтисодий таъминнинг янада модернизациялашувида иштирок этишда юксак имкониятга эга эканлигидан мамнунман.

Шуни қайд этиш жоизки, мустақил ривожланиш йиллари давомида республикада изчил ислохотлар амалга оширилди ва барқарор иқтисодий ўсишга эришилди. Бу муваффақиятлар Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилаётган чуқур ўйланган миллий тарқийёт стратегиясининг натижалари ҳисобланади.

Яратилган имкониятдан фойдаланган ҳолда, миллий байрам муносабати билан барча ўзбекистонликларга ўзининг самимий қутловларини йўллабман. Мамлакатингиз ҳамisha гуллаб-яшнайсин, халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланaversин.

Йорг Рохол, Берлиндаги Европа менежмент ва технологиялар мактабининг (ESMT) президенти, профессор:

— Жорий йилнинг июль ойида серқуёш Ўзбекистон бўйлаб уч кунлик сафарим чоғида Тошкент ва қўшна Самарқанд шаҳарларида бўлдим. Жаҳон илм-фани тарқийётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларига эга бўлган ўзбек халқининг бой маданияти ва шонли тарихи менда катта таассурот қолдирди.

Биз таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида мамлакатингиз билан ҳамкорлик қўлаб-қўллаётганимиздан мамнунмиз. Ҳадемай Европа менежмент ва технологиялар мактабининг (ESMT) Тошкентдаги Олий бизнес мактаби билан корпоратив бошқарув бўйича қўшма маърифий дастурини амалга ошириш бошланади.

Ушбу лойиҳа доирасида биз корпоратив бошқарувининг такомиллаштиришга қўмақлашганимиз истаймиз. Биргаликдаги сайё-ҳаракатларимиз ёш мустақил Ўзбекистоннинг бундан кейинги тарқийётига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилишига умид қиламыз.

Мен Европа менежмент ва технологиялар мактаби жамоаси ва шаҳсан ўз номидан ўзбек дўстларимизга ушбу муҳим байрам муносабати билан табрикларимизни йўллаш имконияти берилганидан бахтлиман. Азиз ўзбекистонликлар, байрамингиз муборак бўлсин!

"Жаҳон" АА, Берлин

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ-СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари соҳа вакиллари янада қўлай шароит ва рабат яратмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "2015-2019 йилларда иқтисодий янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзудаги республика конференция-семинари иштирокчилари ЎЗА мухбирлари билан сўхбатда шулар ҳақида фикр юритди.

Неъматилла ДЕҲҚОНОВ, Тошкент вилоятидаги "Orplast" қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти иккочди директори:

— Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик фаолиятининг барча қирраларини қамраб олган. Бундан 15 йиллар аввал корхонани давлат рўйхатида ўтказиш учун хафтаб вақт сарфланарди. Бугунга келиб тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш, солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш электрон шаклда амалга ошириладиган бўлди. Президентимиз

Фармонида туман ҳокимликлари ҳузурдаги «бир дарча» фаолиятини такомиллаштириш юзасидан белгилаб берилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари турли руҳсат бериш характеридаги ҳужжатлар, лицензияларни олиш билан боғлиқ ташвишлардан халос этади.

Конференция-семинар давомида Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига тўққинчи қилаётган ғовларни бартараф этишда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақидаги маърузаларни тинглаб, биз, тадбиркорлар ҳам қўл қовштириб турмай, имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириб боришимиз зарур, деган хулосага келдим.

Соҳиб АКБАРОВ, Самарқанд вилоятидаги "Ал-назар орзу сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Тадбиркорнинг ишига халақит берадиган, баъзан фаолиятининг бутунлай тўхтаб қолишига олиб келадиган ҳолат — бу турли ўринли-ўринсиз текширишлардир. Тасаввур қилинг, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган, ўнлаб одамлар ишлаётган корхонага электр таъминоти ёки бошқа бир ташкилот вакили келиб, арзиманга сабаблар билан корхона фаолиятини тўхтатиб қўйди. Бунинг оқибатида етказилган зарарни тадбиркорга ҳеч ким қўлаб бермайди. Президентимиз Фармонида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган иқтисодий таъминнинг тарқийёти менга ҳам хурсанд қилди. Бугунги конференция-семинарда таъкидланганидек, текширишлар мuddатининг қисқартирилиши, тегишли солиқ ва бошқа мажбуриятларни ўз вақтида бажараётган тадбиркорлик субъектларини текширишга мораторий эълон қилиниши, энг асосийси, текширувлар корхонанинг тўлақонли иш олиб боришига тўққинчи қиламаслигининг белгиланиши тадбиркор фаолиятига тўғанок бўлиб келган муаммолардан бирининг бартараф этилишида муҳим қадам бўлди.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси Барча манбалардан олинган сўзларни кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Фермерлар кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ёш тадбиркор, фермер ва хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси "Ватаним таракий-

тига менинг ҳиссам" шиори остида ўтказилди.

• Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида Пастдаргом туманидаги 81-умумтаълим мактабининг эски биноси ўрнида замонавий, барча қўлайликларга эга янги мактаб биноси қад ростлаб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Шунингдек, Гўзалкент кўрғонига ёшлар боғи ҳам фойдаланишга топширилди.

• Самарқандда "Кексаларни эъозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Кексаси бор хонадон — файзли хонадон" ва "Кексаларнинг дуосини олайлик" ижтимоий акциялари ўтказилди. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла"

хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юздан ортик нуруний қатнашди.

• Нукусда "Нима қилдик Ватан учун?" ҳамда "Биз, ёшлар гийҳандлик ва терроризмга қаршимиз!" шиорлари остида ёшлар фестивали ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Брюссель шаҳри марказида полиция намойишга чиққан кўп сонли фермерларни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Зеро, минглаб кишлок ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар бутун Бельгия худудидан пойтахтга ўз маҳсулотлари учун адолатли нарҳлар қўйилишини талаб қилиш учун йиғилдилар.

• Кеча Хитойнинг Чжеэцзянь провинциясидаги Лишуй шаҳрида жойлашган Ming Chemical кимё заводида портлаш рўй берди. Ҳозирча жабрланганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

• Кеча АҚШнинг Шимолий Каролина штатида жойлашган Шарлотт шаҳрида ўз ҳовлисида байрам тадбирини нишонлаётган оила номаълум кимса томонидан ўққа тутилган. Ушбу қуроли хужум натижасида 9 ёшли бола ҳалок бўлган, 2 нафар катта одам ва яна бир бола жароҳатланган. Ҳозирда жиноятчини қидириш ишлари олиб боришмоқда.

• Ҳиндистоннинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Андхра-Прадеш штатида яшин уриши натижасида 23 киши ҳаётдан кўз юмди.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

**ЧЕТ ТИЛЛАРНИ
ЎРГАНИШНИНГ ЯНГИ
БОСҚИЧИ**

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори навқирон авлоднинг хорижий тилларни ўрганишига оид амалий чора-тадбирларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда асосий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган йиғилишда мазкур қарорнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимидаги ижроси атрофича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Н.Умаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Н.Арипов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган ва юксак салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг қўриқда қайд этилган қарорига кўра, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун чет тилларни мукамал ўқитиш бошланди. Шу мақсадда янги давлат таълим стандартлари, ўқув қўлланмалар, дарслик мажмуалари яратилди.

Кейинги 3 йилда 5 миллиондан ортиқ тиражда дарсликлар чоп этилди. 17 минг 222 чет тили кабинетини учун қўшимча адабиётлар, луғатлар давлат бюджети ҳисобидан етказиб берилди. Хорижий тилларни ўргатишга оид ранг-баранг электрон ахборот-таълим ресурслари, видеодроллар, видео-қўлланмалар, интерфаол ўйинлар каби 50 дан ортиқ маърифий ресурс яратилди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Утган даврда 18 мингга яқин чет тили ўқитувчисининг касб малакаси оширилди. Мактабгача таълим масканлари ва мактабдан ташқари ўқув муассасаларида ҳам чет тилларини ўрганиш бўйича тўғараклар, машғулотлар мунтазам тарзда ташкил этилмоқда.

Йиғилишда тизимда мавжуд имкониятлардан, ўқув даргоҳларига етказиб берилган жиҳозлар, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда мутахассисларга бўлган эҳтиёжни пухта ўрганиш каби масалалар долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири**

Болалар — бизнинг келажгимиз. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанимизга муносиб фарздан қилиб камолга етказиш доимий эътиборда. Ўзбекистонда болаларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан ақли теран, жисмонан соғлом, маънавий олами бой тарзда ўсиб-ўлғайишлари учун барча шароитлар яратилган.

**ТОЗАЛИК, ОЗОДАЛИК —
САЛОМАТЛИК ГАРОВИ**

“Касаба уюшмалари — болаларга” акцияси доирасида “Тозалик, озодалик — саломатлик гарови” тадбирлари ташкил этилди. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Олмазор, Чилонзор туманларидаги 6 та умумтаълим мактаблари танлаб олиниб, касаба уюшма фаоллари, мураббийлар иштирокида биринчи синф ўқувчиларини рағбатлантиришга бағишлаб тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирлар доирасида болаларнинг соғлигини сақлашга хизмат қиладиган шахсий гигиена воситалари 1-синфга ўқишга қабул қилинган 857 нафар ўқувчига ҳадя этилди.

Чилонзор туманидаги 270-умумтаълим мактабидаги тадбир ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Барча йиғилганлар болаларни таъриқлаб, уларнинг ўқишларида муваффақият тиладилар. Тадбирлар давомида шифокорлар тозалик, озодаликнинг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти ҳақида ўғил-қизларга тушунчалар беришди. Республика ёш томошабинлар театри санъаткорлари иштирокида сахна кўринишлари намойиш этилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган хайрли тадбир болалар, ота-оналар ва ўқитувчиларга қувонч бағишлади.

Зарина РУСТАМОВА



Кўзим Улмасов олган сурат

Кексаларни қадрлаш халқимизга хос эзгу фазилат. Юртимизда ёши улғу инсонларга моддий-маънавий ёрдам бериш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Қарияларимизни қадрлаш, эъзозлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган юксак қадриятдир. 2015 йилнинг Президентимиз томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Юнусобод туманидаги Юнус ота номи маҳаллада Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали, 55-оилавий поликлиника томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида кексалар чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари саломатлигига алоҳида эътибор қаратилиб, умумий амалиёт шифокорлари, тор мутахассислар, невропатолог, отоларинголог, офтальмолог, эндокринолог, кардиолог ва бошқа мутахассислар турли ёшдаги аҳолининг саломатлигини текширувдан ўтказди.

— Муассаса бош шифокори Дилфуза Исаева бошчилигида аҳоли, айниқса, ёши улғу инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда, — дейди 55-оилавий поликлиниканинг бош шифокори ўринбосари На-

сиба Розимуҳамедова. — Поликлиникамиз шифокор ва ҳамширалари 27420 нафар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида саъй-ҳаракат олиб боришмоқда. Бизга “Иттифок”, “Дўстлик”,

бу каби тадбирларда умумий амалиёт шифокорлари ва бошқа тор мутахассислар кексаларда суррункали, шу жумладан яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш йўли билан профилактика ишларига эътибор қаратишмоқда. Касаллиги аниқланган нурунийларимизга шифохона, санаторий-профилакторийларга даволанишга йўланмалар бериб, муолажаларни олиш тавсия этилди. Тиббий қўриқларга кела олмайдиган қарияларимизнинг уйларига бориб, тор мутахассислардан иборат махсус гуруҳлар керакли тавсиялар бериб, муолажалар қилинмоқда. Аҳоли, шу жумладан кекса ёшдаги фуқароларнинг бойитилган ун ва йодланган туз билан таъминланишини яхшилаш бўйича турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилмоқда.

— 35 йил темирйўл соҳасида фаолият юритганман, — дейди маҳаллада истиқомат қилувчи Джабхорали Қаюмов. — Оилавий поликлиника ходимларига алоҳида миннатдорчилик билдириш мумкин. Шифокорлар ҳолимдан тез-тез хабар олишди. Уларнинг маслаҳатини олиб тураман. Чуқурлаштирилган тиббий қўриқда мутахассислар қабули бўлди. Улар керакли тавсиялар беришди.

Маҳаллада истиқомат қилувчи нафақадаги Ирина Мардағалаям, Раҳматилла Исмоиловлар ҳам чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан мамнун бўлишиб, ширин сўз шифокорларга миннатдорчилик билдириб ўтишди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига тақлиф этади!
2015 йил 16 октябрда “Тошкент” РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг тақлиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	"Gazavotomatika" АЖ	26	166 096	100	18 880,00	3 135 854 300

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz
Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржадан ташқари электрон савдоларга тақлиф этади!
2015 йил 12 октябрда "ELSIS-SAVDO" акциядорлик жамияти томонидан биржадан ташқари электрон савдоларига қўйиладиган жамиятларнинг давлат акция пакетлари қўйилади:

№	Эмитент номи	Юридик манзили	Фаолият ихтисослиги	Акция пакети фоизи (%)	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг тақлиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм	Савдо ташлолтичиси
1	"Toshkent qunilish mollari kombinati" АЖ	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ш.Руставели 2-тор кўчаси, 2-уй	Хизмат кўрсатиш	3,75	37 005	1 100	21 360,00	790 410 000	"ELSIS-SAVDO" АЖ

Қўшимча маълумотлар учун "ELSIS-SAVDO" АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-21-82, 236-06-31. elsavdo@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

**ИСТИҚБОЛЛИ ЁШЛАР —
КЕЛАЖАГИМИЗ**

Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партияси “Истиқбол” ёшлар қаноти томонидан ташкил этилган “Ёш сиёсатчи — 2015” кўриқ-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси Х.Кетмонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимиз келажигининг халқ қилувчи кучи бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бунинг самарасида йигит-қизларнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори навқирон авлоднинг орзу-интилошларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ёш сиёсатчи” танловининг кўйи босқичларида ўн саккиз минг йигит-қиз иштирок этди. Улар орасидан 14 нафар ёш танловининг мамлакат босқичида ўзларининг сиёсий фаоллигини намоян қилди.

18 ёшдан 30 ёшгача бўлган бу йигит-қизлар мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқ эмаслиги эътиборлидир. Улар танлов давомида ўзлари яшаётган ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, шуниингдек, партия дастурий мақсадларига мос йўналишлардаги лойиҳаларини тақдим этди.

— Танловда “Меҳр уланинг” номли лойиҳам билан катнашдим, — дейди ЎЗА муҳбири Тошкент вилояти вакили Азиза Усмонова. — Унда вилоятимиздаги жисмоний имконияти чекланган болаларнинг ўз ихтидор ва салоҳиятини намойиш этиши учун мўлжалланган бир-биридан қизиқарли акциялар кўзда тутилган. Адабиёт, шеърят, санъат, маданият йўналишлари, миллий ҳунармандчилиги тиқиш-бичиш каби соҳаларда ўтказилган танлов 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган имконияти чекланган ёшлар катнашади. Лойиҳамни амалий жиҳатдан боийтиш мақсадида имконияти чекланган ёшларни аниқлаб, уларни бир жойга йиғиб, партия фаоллари ёрдамида танловда иштирок этишга жалб этдим.

Танлов якунига кўра, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ижтимоий-иқтисодий ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Азиза Усмонова биринчи, Урганч давлат университети талабаси Ра-сулбек Хожиев иккинчи, нолийлик Севара Аслонова учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Азиза ҚИЁСОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko’shmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нарх босқичи-босқич охиб бориши тартибда ўтказилаётган очик савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдоларига қўйиладиган давлат акция қўйилади: Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона бурюртманчи хизмати” инжиниринг компанияси тасарруфидоги, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тузел-1 мавзесида жойлашган қурилиши тугалланган поликлиника биноси.

Бошланғич нархи — 4 542 265 488 сўм 60 тийин.

Балансда сакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона бурюртманчи хизмати” инжиниринг компанияси.

Фаолияти ихтисоси: Қурилиш назорати.

Савдо ташлолтичиси: “Ko’shmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1“А”. Уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб-сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: neltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 16 октябрь кун соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1“А”-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй савдолар 2015 йил 30 октябрь, 13, 27 ноябрь, 14, 28 декабрь, 2016 йил 12, 26 январь, 9, 23 февраль, 9, 24 март, 7, 21 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олдистоди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат акция бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдидан Савдо ташлолтичиси “Ko’shmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қўйиладиган банк реквизитларига зақалат пулни тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиали, х/р: 2020800090420609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда катнашишга бурюртманомна қабул қилиш билдиришномна эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномнада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказилаётган кун соат до бошланғичдан уч соат олдидан тамом бўлади.

Аукционда катнашиш учун савдо ташлолтичисига талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйиладиган хужжатларни илова қилган ҳолда аукционда катнашишга бурюртманомна икки нусxada тақдим этади:

Сергели тумани аҳолиси ва тадбиркорлари диққатига!

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Сергели туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 2015 йил 11 сентябрь кун Тошкент шаҳар Сергели туман фуқароларининг қабулини режалаштирилганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари
2015 йил 11 сентябрь соат 10.00 дан 12.00 га қадар

Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи
2015 йил 11 сентябрь соат 10.00 дан 12.00 га қадар

Мазкур қабулда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ва тадбиркорлар 2015 йил 10 сентябрь соат 13.00 га қадар 212-61-87 телефони орқали қабулга ёзилишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1“А”-уй.
Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.
Электрон почта: neltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkfortg.uz
Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамили Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!
Савдоларга марҳамат қилин!

Кўргазмалар

ЎЗБЕГИМНИНГ МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИ

Ўзбекистон амалий санъат музейида "Музейлар ҳафталиги" тадбирининг очилиш маросими "Ўзбеким либослари" деб номланган кўргазма билан бошланди.



чимининг деярли бир хиллиги эса уларнинг қади-мийлигидан дарак беради.

Эркакларнинг ятак кўйлаги тиззагача, аёлларники түпингача узунликда тикилган. Кийимлар Фарғона, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари тизимда хилма-хилликни қамраб олган ҳолда миллий аъналаримиз ва ўзбекона расм-рўсулларга риоя қилган ҳолда тикилган.

Қимматбаҳо тошлар, қумуш ва зар иплар билан тикилган либосларнинг ўзи алоҳида гўзал бир санъат асарига айланади.

Ўзбек миллий кийимлари кўриниши, нақш услуби, бадий рамзлар уйғунлиги билан бир-биридан фарқланади. Ҳар бир вилоят мато ва кийимларнинг тайёрлашда ўша жойнинг табиий шaroити, урф-одатлари, атроф-муҳит, маҳаллий аъналарнинг тарихий ривожланиши катта таъсир кўрсатган.

Мазкур кўргазма халқимизнинг миллий-маданий меросини янада чуқур аниқлашга, қадимдан то ҳозирги давргача бўлган амалий санъат дурдоналари билан яқиндан танишишга кенг имкон яратиш билан бирга

тарих, бугун ва келажакни мустақкам боғлайдиган ришта мисолида кишилар қалбидан муносиб жой эгаллайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон амалий санъат музейи мамлакатимизда ўзига хос нуфузга эга бўлган муқаддас даргоҳдир. Музей хазинасидаги бадий буюмлар жаҳон аҳамиятига молик бўлиб, ўзбек халқининг моддий маданият ёдгорликларининг ривожланиш тарихини очиб беради.

"Ўзбеким либослари" кўргазмаси доирасида Республика рассомлик коллежи ўқувчилари томонидан тайёрланган замонавий ва миллий либослар тўпламининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ ҳрфизи Ҳасан Ражабий ижросидаги анграган куй-кўшиқлар, Яккасарой туман маданият ва спорт ишлари бошқармаси бадий жармоалари дирекцияси хонанда, созаанда, раққосалари томонидан тайёрланган мусиқий чиқишлар йирилганларга хуш кайфият улашди.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар

"Камолот" лойиҳалари КЕКСАЛАРИМИЗНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

"Камолот" ЁИХ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним - Ўзбекистоним!" шиори остида "Фарзандлик бурчим!" лойиҳаси доирасида "Қарияларимизни қадрлаймиз!" мавзусида тадбир ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, "Фарзандлик бурчим!" лойиҳаси доирасида ташкиллаштирилган маънавий-маърифий тадбирлар барчага бирдек манзур бўлмоқда. Бу галги тадбирда Етакчилар Кенгаши ходимлари ҳамда Сардорлар Кенгаши аъзолари кексаларимизнинг хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг ҳолдан хабар олишти ва дилдан сўхбатлаштирди. Беруний номли маҳаллада истиқомат қилувчи 77 ёшли Хури ая Маннонова ва кўп йиллар Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетида самарали фаолият кўрсатган ҳолда бир қанча асарлар ҳамда тўпламлар яратган адабиётшунос олим 84 ёшли Умарали Норматов хонадонларига ташриф буюрган ёшларимиз билан олам завуқ-шаҳқ олишти, қолаверса, тарихимизга назар солиб қайтишти. Кексаларимиз ҳаётимизнинг файзу фаришаси деб бекорга айтилмаган. Ана шундай пиру бадавлат онахон-у отахонлар, азиз ва мўътабар устозлар билан сўхбатлашган ёшларимиз бугуннинг қадрига етиши, сабр қаноатли бўлиши, ота-онанинг кўнгилни оғритмайдиган, катталарга ҳурмат билан муомала қиладиган инсонлар қай даражада эъзоз топиб, тинч-тотув оиласига бош бўлиб ўтирганиларнинг гувоҳи бўлишти ва бундан ўзларига керакли хулоса чиқаришти.

Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад кексаларимизнинг қалбига оз бўлсада қувонч улаштири, ҳолларидан хабар олиш, уларни қадрлаш, эъзозлашдир. Шу муносабат билан ташкиллаштирилган ушбу лойиҳа албатта эзгу мақсад ва яхшиликка хизмат қилиши шубҳасиз.

Сардорлар Кенгаши аъзолари томонидан уюштирилган шешрий чиқишлар қарияларимизнинг биз ёшлар билан фахрланишига яна бир сабаб бўлди. Иштирокчилар қарияларимиз билан бўлиб ўтган мазмуни сўхбатдан жуда кўп маълумотларга эга бўлдилар.

Зиёдулла САЪДУЛЛАЕВ, "Камолот" ЁИХ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси

Спорт янгилликлари

ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари кўнгилни шод этиш мақсадида улар билан қизиқарли учрашув ўтказишти.

Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси - ФИФА миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг ўринларини эълон қилди.

Унга кўра миллий терма жамоамиз 453 очко тўплаган ҳолда бир ой аввал бўлгани каби ҳамон 76-ўринда бормоқда. Бу кўрсаткич билан бош жамоамиз Осиё қитъаси мамлакатлари орасида Эрон, Япония, Жанубий Корея, Австралия ҳамда Бирлашган Араб Амирликларидан сўн 6-натижани қайд этмоқда.

Шунингдек, ўтган ойда дунё рейтингининг кучли учлигидан ўрин олган терма жамоалар бу гал ҳам ўз ўринларида қолишти. Бугунги кунда энг кучли ҳужум чизигига эга бўлган Аргентина 1442 очко билан рўйхатнинг энг юқори қаторидан жой олган бўлса, Бельгия ва Германия термалари кейинги ўринларда бормоқда.

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида футбол бўйича 2016 йилнинг 9-20 февраль кунлари пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичига қўрға ташланди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Нуфузли мусобақанинг саралаш ўйинларида қитъамизнинг 22 нафар давлати иштирок этади. Қўрға Осиёдаги мамлакатларга қулайлик яратиш мақсадида худудий жойлашувларига қараб уч минтақага, яъни ғарбий, шарқий ва марказий Осиё минтақалари бўйича бўлинди. Ғарбий минтақада иккита, шарқий ва марказий минтақада биттадан саралаш гуруҳлари тузилган бўлса, яна тўрт терма жамоа - Япония, Эрон, Қувейт ва мезбон Ўзбекистон термалари турнирнинг тўғридан-тўғри финал босқичида иштирок этади.

Маълумки, бу сафарги чемпионат бир вақтнинг ўзиде мундиалга саралаш вазифасини ҳам ўтаб беради. Тошкентдаги мусобақанинг ярим финалига йўл олган тўртта жамоа 2016 йили Колумбияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Шу вақтга қадар пойтахтимиз футбол бўйича Осиё чемпионатида 2006 ва 2010 йилларда мезбонлик қилган эди.

Ботир ХўЖАЕВ

ЛИЦЕНЗИЯНИНГ БОРМИ, ҲАЙДОВЧИ?

Бугун юртимизда хизмат кўрсатиш турлари кўпайиб, сифати ошди. Бундай ҳолдан миқозлар мамнун. Шу ўринда қайда эйтиш керакки, амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қиладиган фаолият турлари рўйхати мавжуд. Бир сўз билан айтганда, хизматлар лицензияланган бўлиши керак.

Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган автомашина эгаларига раҳмат. Таъкидлаш зарурки, улар йўловчи ва юк ташиш билан шуғулланар экан, тегишли тартибда рухсатнома олишлари зарур.

Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида яшовчи Фулом Очилов (исм-фамилия ўзгартрилган) лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмастан шуғулланганлиги учун илгарги маъмурий жавобгарликка тортилганига қарамай, яна тартибни бузди. У "Дамас" автоуловиде Тошкент шаҳридан Фарғона вилоятига юк ташиш билан ноқонуний шуғулланганлиги учун ҳужжатлар расмийлаштирилди. Натихада унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Фулом Очилов қилмиши учун қонун олдида жавоб берди.

Йўловчи сифатида ҳар бимирим автотранспорт хизматидан фойдаланар эканмиз, ҳайдовчидан рухсатномагиз борми, деб сўрашимиз керак. Чунки қонуний фаолият юритилган автотранспорт эгаларининг соғлиги ҳар куни назорат қилиниб, автотранспорт эса техник кўриқдан ўтказилади. Бу нарса йўловчиларнинг ҳаёти ва хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Сардор БОЙМАТОВ, Бош прокуратура ҳузуридеги СВОЖЖДЛҚК департаменти Бектемир туман бўлими инспектори

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 10 сентябрда Тошкент 10 сентябрь кунини ҳаёти билан ўзлаштириш ва вақти билан ўзлаштириш зарури модаларининг бир оз бўлмайди. Шарқдан секунда яратилади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

БОЛАЛАРГА СОВҒА

Пойтахтимиздаги "Жар" стадионида бўлиб ўтган мазкур тадбирга Тошкент шаҳридаги 21- ва 23-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари тақлиф этилди. Айнақса, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва уларнинг терма жамоадаги севишли футболчиларининг икки жамоага аралаш тарзда бўлиниб, футбол ўйинида тўп тепиши болалар қалбини чексиз қувонч

ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Тошкент "Ботаника" боғида "Камолот-тур" VIII аънавий ёшлар веломаарафонининг Юнусобод туман босқичи ўтказилди.

— Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сийосатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган аънавий маарафон ёшларни спортга оммавий равишда жалб қилиш, улар ўртасида ўзаро

маданий, дўстлик алоқаларини янада мустақкамлаш мақсадида ўтказилди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши раиси Ихтиёр Зайдуллоев. — Мазкур веломаарафоннинг ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш, уларни спортга кенг жалб этишга хизмат қиладиганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат! Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатиغا! Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali" бошланғич нарх босқичида-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.